

Объектда жорий таъмирлаш ишларини бажаришга тузилган 432/җ-у/м -сонли

ПУДРАТ ШАРТНОМАСИ

Тошкент шаҳри

2022 йил « 07 » 12

Кейинги ўринларда «Буюртмачи» деб юритиладиган «ТОШКЕНТ ШАҲРИ МИНТАҚАВИЙ ЙУЛЛАРГА БУЮРТМАЧИ ХИЗМАТИ» ДУК номидан Устав асосида иш юритувчи директор О.Абдуназаров бир томондан ва «MAXIMA-ROAD» МЧЖ (кейинги ўринларда «Пудратчи») номидан Устав асосида иш юритувчи Директор Б.Абидов иккинчи томондан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 18 мартдаги 2022-2026-йилларда "Обод кишлоқ" ва "Обод маҳалла" дастурларини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисидаги №ПК-172 сонли қарори бўйича бюджет маблағлари ҳисобидан Яшнобод тумани А.Ясавий МФЙ Кўприкли кўчаси жорий таъмирлаш ишларини бажаришга доир амалдаги Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 22 апрелдаги «Давлат харидлари тўғрисидаги 684-сонли қонунига асосан <https://xarid.uzex.uz> маҳсуе ахборот портали орқали (Лот рақами 22110012195919) эълон қилинган ва «Тошкент шаҳри минтақавий йулларга буюртмачи хизмати» ДУК харид комиссиясининг 2022 йил 07/12 баённомасига асосан қўйидаги шартномани туздилар.

I. ТАЪРИФЛАР

1.1. Мазкур шартномада қўйидаги таърифлар қўлланилади:

Ижро ҳужжатлари-натурада бажарилган ишлар ёки ишларни бажариш учун маъсул бўлган шахслар томонидан уларга киритилган ўзгаришларнинг ушбу ишчи чизмаларга мувофиқлиги тўғрисидаги ёзувлар билан биргаликда объект жорий таъмирига ишчи чизмалар туркуми, сертификатлар, техник паспортлар ва ўрнатилган асбоб-ускуналарнинг сифатини ва ишларни бажаришда қўлланилган материаллар, конструкциялар ва деталларнинг сифатини тасдиқловчи бошқа ҳужжатлар, беркитиладиган ишлар тасдиқланганлиги тўғрисидаги далолатномалар, айрим маъсулиятли конструкциялар оралиқ даврда қабул қилиниши тўғрисидаги далолатномалар, монтаж қилинган асбоб-ускуналарнинг яқка тартибдаги синовий тўғрисидаги далолатномалар, қурилиш-монтаж ишларини бажарилишини юритиш дафтарлари ҳамда қурилиш нормалари ва қоидаларида назарда тутилган бошқа ҳужжатлар;

Қурилиш майдони –мазкур шартнома (контракт) доирасида барча ишларни бажариш даврида далолатнома бўйича «Буюртмачи» томонидан «Пудратчи»га ажратилган ер участкаси. Объектнинг қурилиш майдони чегараси ажратиб қўйилади ёки бош режага мувофиқ белгиладиган бошқа белгилар билан белгилаб қўйилади;

Вақтинчалик ишпоатлар-«Пудратчи» томонидан қурилиш майдонида ўрнатиладиган ва ишларни бажариш учун зарур бўлган ҳар қандай типдаги вақтинчалик бинолар ва ишпоатлар;

Беркитиладиган ишлар –сифати ва аниқлигини кейинги ишлар бажарилгандан кейин аниқлаш мумкин бўлмаган кейинчалик бажариладиган ишлар ва конструкциялар билан беркитиладиган ишлар;

Шартнома нарҳини бўлиб чиқиш –ишларнинг ҳар бир босқичи ва/ёки турлари қийматини аниқ белгилаган ҳолда шартнома бўйича объектнинг умумий қийматини босқичларга тақсимлаш.

II. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ

2.1. «Пудратчи» мазкур шартнома бўйича объектда жорий таъмирлаш ишларини лойиҳа-смета ҳужжатларида кўзда тутилган ҳолда бажариш мажбуриятини олади, «Буюртмачи» эса «Пудратчи»га жорий таъмирлаш ишларини бажариш учун зарур шароитлар яратиш, уларни қабул қилиш ва молиялаштириш манбаи Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги ёки Тошкент шаҳар маҳаллий бюджети томонидан шартнома тузилаётган объект учун маблағ

таъминланиши билан тўловни амалга ошириш мажбуриятини олади.

III. ШАРТНОМА БЎЙИЧА ИШЛАР ҚИЙМАТИ

3.1. Мазкур шартнома бўйича объектда бажариладиган ишлар қиймати барча ажратмаларни ўз ичига олган ҳолда амалдаги нархларда шартноманинг умумий қиймати ҚҚС билан **175 329 744 (Бир юз етмиш беш миллион уч юз йиғирма тўққиз минг етти юз қирқ тўрт) сўми** шу жумладан **ҚҚС 22 869 097,04 (йиғирма икки миллион саккиз юз олтмиш тўққиз минг тўқсон етти сум 04 тийин)** ташкил этади.

3.2. Ишлар қиймати узил-кесил ҳисобланади ва кейинчалик қайта кўриб чиқилиши мумкин эмас, қуйидаги ҳоллар бундан мустасно:

- объектнинг (ундаги сунъийиншоотлар, кўприклар ва тоннелларнинг) жорий таъмирлаш ишлари қийматини кўпайтиришга енгиб бўлмайдиган куч (форс-мажор) ҳолатлари сабаб бўлганда;
- ишлар ҳажми «Буюртмачи» томонидан ўзгартирилганда;
- объектнинг жорий таъмирлаш ишлари муддати бир йилдан ортик бўлганда иккинчи йилга ва кейинги йилларга шартномавий нархларни аниқлаштириш конун ҳужжатларида белгиланган тартибда кўриб чиқилиши мумкин.

3.3. Тегишли асослар мавжуд бўлганда санаб ўтилган ўзгартиришлар «Буюртмачи» билан «Пудратчи» ўртасидаги шартномага қўшимча келишув тузиш билан расмийлаштирилади.

IV. «ПУДРАТЧИ»НИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ

4.1. Мазкур шартнома бўйича «Пудратчи» шартноманинг II бўлимида назарда тутилган ишларни бажариш учун:

жорий таъмирлаш ишлари бошланишдан олдин объектда жорий таъмирлаш ишларини олиб бориш даври учун, «Буюртмачи» иштирокида жорий таъмирлаш олиб борилаётган йул қисмини ва ундаги мавжуд йул элементларини ўрнатилган тартибда далолатнома асосида йулдан фойдаланувчи ташкилотдан қабул қилиб олади ва таъмирлаш ишлари якунлангандан сўнг фойдаланувчи ташкилотга топширади;

зарур ҳолларда айрим иш турларининг бажарилишида лойиха-смета ҳужжатларида белгиланган машина-механизмлар ўрнига, ўриндош машина-механизмлардан фойдаланилиши, белгиланган сифат ва технологик жараённинг бузилмаслигини кўрсатувчи сифат лабораторияси ҳулосаси асосида амалга оширилиши мумкин;

лойиха-смета ҳужжатларида бажарилиши кўздатутилган иш ҳажмлари «Пудратчи» томонидан тўлиқ ва сифатли қилиб бажарилиб, айрим иш ҳажмлари ва ҳаражатлар смета ҳужжатларида кўзда тутилган маблағлардан амалда иқтисод қилинса, ушбу маблағни мазкур объектнинг айрим ҳаражатлари бўйича кўрилиши мумкин бўлган зарарни ва қўшимча бажарилиши лозим бўлган иш ҳажмлари ҳаражатларини қоплаш учун объектнинг умумий қиймати доирасида асословчи ҳужжатлар асосида «Буюртмачи»нинг руҳсати билан йуналтириши мумкин;

объектнинг ижро ҳужжатларини расмийлаштириш ва «Буюртмачи»га топшириш, қурилиш материалларининг мувофиқлик сертификати, ишлатилган қурилиш материаллари ва ускуналарнинг техник паспортини тақдим этади;

шартнома шартларига асосан объектни «Буюртмачи»га тасдиқланган лойихага мувофиқ топширади;

«Пудратчи» қурилиш давомида лойиха-смета ҳужжатларида ҳисобга олинмаган ишларни ва шу муносабат билан қўшимча ишларни бажариш ва қурилишнинг смета қийматини ошириш зарурлигини аниқласа, бу тўғрида «Буюртмачи»га хабар бериши шарт;

Барча ишларни мазкур шартномада ҳамда унинг I-иловасида белгиланган, ишларни бажариш жадвалида назарда тутилган ҳажм ва муддатларда, қурилиш қоидалари ва меъёрларига, белгиланган стандартларга амал қилган ҳолда сифатли бажариш ҳамда ишни «Буюртмачи»га мазкур шартнома шартларига мувофиқ топширади;

объектга зарур қурилиш материаллари, буюмлар, конструкциялар, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, бошқа хом-ашёлар ва қурилиш техникасини ўз вақтида ҳамда зарур ҳажмларда етказиб бериш, уларни қабул қилиш, тушириш, омборга жойлаш ва сақлашни амалга оширади;

зарур ҳолларда қурилиш майдони худудида вақтинчалик иншоотлар қуради;

қурилиш майдонида техника хавфсизлиги, ишларни бажариш вақтида атроф муҳитни, ўтказилган дарахтларни ва ер участкасини муҳофаза қилиш бўйича зарур тадбирларнинг бажарилишини таъминлайди;

мазкур шартнома бўйича объектни фойдаланишга қабул қилиб олиш тўғрисидаги далолатнома имзоланган кундан бошлаб бир ой муддатда қурилиш майдонини ўзига тегишли қурилиш машиналари ва асбоб-ускуналари, транспорт воситалари, анжомлар, приборлар, инвентарлар, қурилиш материаллари, буюмлар, конструкциялар ҳамда вақтинчалик бинолардан бўшатади;

қурилиш майдони қўриқланишини таъминлайди;

мазкур шартномада назарда тутилган барча мажбуриятларни ўз вақтида ва тўлиқ ҳажмда бажариш мажбуриятини ўз зиммасига олади;

лойиҳа-смета ҳужжатларига асосан муҳандислик коммуникацияларини қуриш, кўчириш (газ, алоқа, сув, канализация, электр ўтказиш тармоқлари ва ҳаказо) бўйича махсус ёрдамчи пудрат ташкилотларини жалб қилган ҳолда қурилиш-монтаж ишларини бажаришни ўз зиммасига олади.

4.2. «Пудратчи» мазкур шартнома бўйича барча ишларнинг ўз кучлари билан ёки ўрнатилган тартибда «Ёрдамчи пудратчи» ёллаган ҳолда, зарур тарзда бажарилиши ҳамда объектнинг фойдаланишга тайёр ҳолда топширилиши учун «Буюртмачи» олдида тўлиқ мулкый жавоб беради.

Бажарилган ва молиялаштириш учун қабул қилинган иш ҳажмларида арифметик хато ва бошқа камчиликларга йул қўйилганлиги аниқланганда, кейинги ойларда бажарилган иш ҳажмлари тегишли ўзгартиришлар киритилган ҳолда расмийлаштирилади.

4.3. «Пудратчи» ташкилот томонидан қурилиш-таъмирлаш ишлари (лаборатория хулосаси) яқунлангандан сўнг 10 (ўн) кун муддатда фойдаланишга топшириш ишчи комиссия далолатномаси топширилади.

4.4. «Буюртмачи» томонидан тегишли Ғазначилик бошқармасидан рўйхатдан утказиш учун жўнатилган электрон шартнома «Пудратчи» ташкилот томонидан ўз вақтида қабул қилиши шарт (жўнатилган вақтдан 3 кун муддатдан кечиктирмасдан).

V. «БУЮРТМАЧИ»НИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ

5.1. Мазкур шартномани бажариш учун «Буюртмачи»:

ишлар бажарилиши устидан доимий архитектура-қурилиш назоратини ва мазкур шартномада қайд этилган «Пудратчи» томонидан қабул қилинган мажбуриятлар ва бошқа функцияларга риоя этилишини назорат қилиш, «Пудратчи»дан тугалланган ишларни, амалдаги қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ равишда қабул қилиб олишни таъминлаш;

«Пудратчи»нинг барча мурожаатларини ўн беш кун муддатда кўриб чиқиш ва қарор қабул қилиш;

Молиялаштириш жадвалига биноан «Пудратчи»га молиялаштириш манбаи бўлган Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги ёки Тошкент шаҳар маҳаллий бюджети томонидан шартнома тузилаётган объект учун маблағ таъминланиши билан 30 % (ўттиз фоиз) миқдорда бўнақ (аванс) бериш вазорий молиялаштиришни амалга ошириш;

«Буюртмачи» «Пудратчи»га ишларни қабул қилиш учун зарур бўлган ижро ҳужжатлари рўйхатини тақдим этиш;

«Буюртмачи» 5 кунлик муддат ичида «Пудратчи» томонидан тақдим қилинган ҳисоб-фактураларни расмийлаштириб беришни ўз зиммасига олади. Агарда тақдим қилинган ҳужжатларда камчиликлар аниқланса, уларни кўрсатган ҳолда «Пудратчи»га қайтариб беради.

Агар техник ҳужжатларга ўзгартиришлар киритиш туфайли бажарилиши керак бўладиган қўшимча ишлар қиймати жиҳатидан сметада кўрсатилган қурилиш умумий қийматининг ўн

фоиздан ошиб кетмаса ва курилиш-пудрат шартномасида назарда тутилган ишларнинг хусусиятини ўзгартирмаса, Буюртмачи-Лойихачи техник ҳужжатларга ўзгартиришлар киритишга ҳақли.

Техник ҳужжатларга ўзгартиришлар ўн фоиздан каттарок ҳажмда ўзгартиришлар киритиш тарафлар келишган кўшимча смета асосида амалга оширилади.

Мазкур шартномада назарда тутилган мажбуриятларни тўлик ҳажмда бажариш мажбуриятини олади.

VI. ИШЛАРНИ БАЖАРИШ МУДДАТЛАРИ

6.1. Мазкур шартнома имзоланган кундан бошлаб кучга киради ҳамда 2022 йил 31 декабрга қадар амал қилади.

6.2. «Пудратчи» мазкур шартнома кучга кирган кундан бошлаб ишларни бажаришга киришади.

6.3. Мазкур шартнома бўйича жорий таъмирлаш ишларининг муддати бажариш жадваллари бўйича амалга оширилади.

6.4. «Пудратчи» ишни бажаришнинг бошланғич ва охири, шунингдек оралик муддатларини бузганлик учун жавобгар бўлади.

VII. ТЎЛОВ ВА ҲИСОБ КИТОБЛАР

7.1. «Буюртмачи» «Пудратчи»га шартноманинг 5.1.-бандига асосан шартноманинг 2-иловасига мувофиқ бунақ (аванс) маблағи ўтказилади.

7.2. Мазкур пудрат шартномаси кучга кирган кундан «Пудратчи» томонидан ишларни бажариш жадвалига мувофиқ ўз имконияти ҳисобидан объектда жорий таъмирлаш ишларини бошлайди.

7.3. «Буюртмачи» ва «Пудратчи» томонидан ҳар ойда бажарилган жорий таъмирлаш ишларини «Маълумотнома-ҳисоб-фактура» билан расмийлаштирилади, бунда ишларнинг конструктив элементлари (турлари) бўйича физик вақийматкурсаткичлари 1-иловага асосан акс эттирилади ва 2-иловага асосан молиялаштириш манбаи бўлган Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги ёки Тошкент шаҳар маҳаллий бюджети томонидан шартнома тузилаётган объект учун маблағ таъминланиши билан молиялаштирилади.

7.4. Бажарилган жорий таъмирлаш ишлари белгиланган тартибда расмийлаштирилган «Маълумотнома-ҳисоб-фактура»га асосан молиялаштирилади. Бунда жорий молиялаштириш ҳар ойда, ажратилган авансни мутаносиб равишда ушлаб қолишни ҳисобга олган ҳолда, бажарилган ишлар қийматининг 100 фоизигача жорий молиялаштирилиши амалга оширилади.

7.5. Объект ишчи комиссия томонидан фойдаланишга қабул қилиб олинган кундан 12 (ўн икки) ойлик кафолат муддати ўтгунга қадар «Пудратчи» бажарилган ишларнинг сифати учун жавоб беради.

7.6. «Пудратчи» объект фойдаланишга топширилгунга қадар мазкур шартнома бўйича объектга мулк ҳуқуқини ўзида сақлаб қолади. Объект фойдаланувчи ташкилотга топширилгунга қадар объектнинг тасодифий йук қилиниши ва шикастланиши хавфи «Пудратчи»нинг зиммасида бўлади.

VIII. ИШЛАРНИ БАЖАРИШ

8.1. «Буюртмачи» объектда ўз вакилини - техник кузатувчини тайинлайди, у «Буюртмачи»нинг номидан бажарилаётган ишлар сифати устидан техник назоратни амалга оширади, шунингдек «Пудратчи» томонидан фойдаланиладиган материаллар ва асбоб-ускуналарнинг шартнома шартларига ва иш ҳужжатларига мувофиқлигини текширади.

8.2. Техник кузатувчи ишлар бажарилишининг ва шартноманинг бутун даври мобайнида ишларнинг барча турлари билан тўсиксиз танишиш ҳуқуқига эгадир.

8.3. «Пудратчи» техник кузатувчини ишлаш учун жой билан таъминлайди. Техник кузатувчи «Пудратчи» томонидан ўтказиладиган, таъмирлаш объектида ишларни амалга ошириш чоғида пайдо бўлувчи масалаларни ҳал қилиш бўйича йиғилишларда мунтазам равишда катнашади.

8.4. «Пудратчи» таъмирлаш даврида «Буюртмачи»нинг вакилини (техник кузатувчини) объектда иш жойи билан таъминлашни ўз зиммасига олади.

8.5. «Пудратчи» объектда бажарилган ишларнинг ҳажмларини бажариш ҳужжатларини, қилинган сарф-ҳаражатларни «Буюртмачи» томонидан мазкур объект учун бириктирилган техник кузатувчи билан ҳар ойнинг 25 кунидан ойнинг охиригача объектнинг ўзида кўриб чиқади ва тўлиқ маълумотни (белгиланган шаклларда ижро ҳужжатлари билан) кейинги ойнинг биринчи кунига қадар «Буюртмачи»га топширади.

8.6. Бажарилган ва молиялаштириш учун қабул қилинган иш ҳажмларида арифметик хато ва бошқа камчиликларга йул қўйилганлиги аниқланганда, кейинги ойлarda шартнома амал қилиш муддатидан кечикмаган ҳолда бажарилган иш ҳажмлари тегишли ўзгартиришлар (корректировка) киритилган ҳолда расмийлаштирилади .

8.7. Ишларни бажариш жараёнида, ишлаш технологияси ва сифатини бузмаган ҳолда, ўз имкониятлардан келиб чиқиб ишлаш усули ва машина –механизмларнинг бир туридан бошқа ишлаб чиқариш қуввати билан механизмларга алмаштириш ва амалда бажарилган иш ҳажмлари баҳосини аниқлашда «Пудратчи» амалдаги нарх ва механизмлар бўйича лойиҳа смета ҳужжатларида ажратилган маблағдан чикмаган ҳолда расмийлаштириш ҳуқуқига эга.

8.8. «Пудратчи» ишларни бажариш лойиҳасига ва мазкур шартноманинг VI бўлимида кўрсатилган муддатлар билан мувофиқлаштирилган ўз режаси ва жадвалига биноан объектда ишларни бажаришни мустақил равишда ташкил этади.

«Пудратчи» объектда ишларни олиб бориш тартибини ваколат доирасидан келиб чиққан ҳолда Ўзбекистон Республикаси Транспорт Вазирлиги ҳузуридаги Йул қурилиш ишлари сифатини назорат қилиш Давлат инспекцияси билан келишади ва унга риоя этилиши учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб беради.

8.9. Объектда умумий тартибни таъминлаш «Пудратчи»нинг вазифаси ҳисобланади.

8.10. «Пудратчи» геодезия нукталарига, линиялар ва даражаларга нисбатан объектнинг тўғри ва зарур тарзда белгиланиши, шунингдек баландлик белгилари, ўлчамлари ва бўлиш ўқларининг мувофиқлиги, тўғри жойлашганлиги учун жавоб беради.

8.11. Агар ишларни бажариш жараёнида амалга оширилган бўлиш ва геодезия ишларида хатолар аниқланса, «Пудратчи» «Буюртмачи» билан келишган ҳолда тегишли тузатишларни ўз ҳисобидан киритади.

8.12. «Пудратчи» геодезия бўлишишларида ўрнатиладиган координатлар ва баландликлар, геодезия белгиларининг жойлашиши схемалари ва жадвалларини сақлайди, ишларни бажариш даврида ва улар тугаллангандан кейин уларни далолатнома бўйича «Буюртмачи»га беради.

8.13. «Пудратчи» ўзиромонидан таъмирлашда қўлланиладиган қурилиш материаллари, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, конструкциялар ва тизимлар сифати лойиҳа ҳужжатларида кўрсатилган спецификасияларга, давлатстандартларига, техник шартларга мувофиқ бўлишини ҳамда уларнинг сифатини тасдиқловчи тегишли сертификатларга, техник паспортларга ёки бошқа ҳужжатларга эга бўлишини кафолатлайди.

8.14. Алоҳид амаъсулиятли конструкциялар ва беркитилладиган ишлар тайёр бўлишига қараб уларни қабул қилиш бошланишидан 2 кун олдин «Пудратчи» «Буюртмачи»ни ва ваколат доирасидан келиб чиққан ҳолда Ўзбекистон Республикаси Транспорт Вазирлиги ҳузуридаги Йул қурилиш ишлари сифатини назорат қилиш Давлат инспекциясини ёзма равишда хабардор қилади.

8.15. Ёпилиб кетадиган ишларни уларнинг ҳар бир тури (боскичи) бўйича қабул қилиб олиш уларнинг кейинги тур (боскич) ишлари бошлангунга қадар бажарилишига қараб амалга оширилади.

Ишларни қуйидаги таркибдаги комиссия қабул қилиб олади:

«Буюртмачи»нинг вакили – техник назоратчи (раис), «Пудратчи» ташкилот вакили – иш бажарувчи ёки уста, лаборант ва геодезист (зарурҳолларда), йулга хизмат кўрсатадиган йул ташкилоти вакили, лойиҳа ташкилоти вакили (кўтариб турувчи конструкцияларни қабул қилиб олишда).

Ёпилиб кетадиган ишларни қабул қилиб олиш натижалари ўрнатилган шакл бўйича далолатнома билан расмийлаштирилади, унда қабул қилинадиган ишларнинг лойиҳа, норматив-

техник хужжатлар, стандартлар талабларига мувофиқлик даражаси акс эттирилади, шунингдек қабул қилинадиган ишларга баҳо ва ишларнинг кейинги турларини бажаришга рухсат берилади. Далолатномага ўлчовлар қайдномаси ва лаборатория синовлари натижалари илова қилинади.

8.16. «Пудратчи» «Буюртмачи»нинг қурилиш-монтаж ишларини бажарилишини юритиш дафтларига киритилган ёзма рухсатномасидан кейингина кейинги ишларни бажаришга киришади.

8.17. Агар беркитиладиган ишлар «Буюртмачи»нинг тасдиғисиз бажарилган бўлса ёки у бу ҳақда хабардор қилинмаган бўлса, ёки кечикиб хабардор қилинган бўлса, у ҳолда унинг талаби бўйича «Пудратчи» «Буюртмачи»нинг кўрсатмасига мувофиқ беркитиладиган ишларнинг инсталланган қисмини ўз ҳисобидан очишга, сўнгра эса уни тиклашга мажбурдир.

«Пудратчи» «Буюртмачи»нинг манфаатларига жиддий таъсир қилмайдиган иш хужжатларидан майда четга чиқишларни «Буюртмачи»нинг розилиғисиз амалга оширса, у агар буларнинг қурилиш сифатига ва қийматига таъсир этмаганлигини исботласа жавобгар ҳисобланмайди.

Объектни жорий таъмирлаш жараёнида технологик жараён олиб борилишининг тўғрилиги, бажариладиган ишлар ҳамда фойдаланиладиган материалларнинг сифати юзасидан техник назоратни амалга ошириш, шунингдек ёпилиб кетадиган ва оралик ишларни қабул қилиб олишда «Буюртмачи» томонидан комиссия таркибидан иштирок этиш учун ушбу объектга хизмат кўрсатадиган йул ташкилоти жалб этилиши мумкин.

Объектнинг бажарилган ишлари ва тугалланган объектларини ойлик (оралиқ) қабул қилиб олиш «Буюртмачи» ва «Пудратчи» томонидан расмийлаштирилади. Бажарилган ишлар ва объектнинг тугалланган конструктив элементларини ойлик (оралиқ) қабул қилиб олиш натижалари белгиланган шаклда маълумотнома-ҳисоб-фактура билан, миқдор ва қиймат кўрсаткичлари ҳисоб-китоб жадвалида акс эттирилган ҳолда белгиланган шаклда расмийлаштирилади.

8.18. Агар «Буюртмачи» «Пудратчи» ва (ёки) унинг «Ёрдамчи пудратчи»лари томонидан ишларнинг сифатсиз бажарилганлигини аниқласа, у ҳолда «Пудратчи» ўз кучлари ва маблағлари ҳисобидан ушбу ишларни уларнинг зарур сифатини таъминлаш учун келишилган муддатда қайта бажаришга мажбурдир.

8.19. «Пудратчи» қурилиш майдонини ва унга туташ йул участкалари ва йулакларнинг озодалигини таъминлайди.

8.20. Ишлар бошланган пайтдан бошлаб улар тугаллангунга қадар «Пудратчи» жорий таъмирлаш ишларини бажарилишини юритиш дафтларини юритади. Дафтарда бутун ишларнинг бориши, «Буюртмачи» ва «Пудратчи»нинг ўзаро муносабатларида аҳамиятга эга бўлган ҳоллар ва ҳолатлар (ишларнинг бошланиши ва тамом бўлиши санаси, ишларнинг қабул қилиб олинishi, ўтказилган синовлар, кунлик ўртача ҳаво ҳарорати ва ёғингарчиликлар, шунингдек қурилишни тугаллашнинг узил-кесил муддатига таъсир қилиши мумкин бўлган барча маълумотлар, ҳамда объектга қабул қилинаётган асфальтобетон маҳсулотининг заводдан чиқиш ҳарорати ва йулга қабул қилинаётган ҳарорати) акс эттирилади.

Агар «Буюртмачи» ишларнинг бориши ва сифатидан ёки «Пудратчи»нинг қайдларидан қониқмаса, у ҳолда ишларни бажариш дафтарида ўз фикрини баён қилади.

«Пудратчи» дафтарда «Буюртмачи» томонидан асосли равишда кўрсатилган камчиликларни кўрсатилган муддатда бартараф этиш чора-тадбирларини кўриш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

IX. ИШЛАРНИ ҚЎРИҚЛАШ

9.1. «Пудратчи» таъмирлаш ишлари бошланишидан тугаллангунгача ва жорий таъмири тугалланган объект «Буюртмачи» томонидан қабул қилиб олингунга қадар четлари тўсилган қурилиш майдони ҳудудида материаллар, асбоб-ускуналар, қурилиш техникаси ва бошқа мол-мулк зарур даражада қўриқланишини таъминлайди.

X. ЕНГИБ БЎЛМАЙДИГАН КУЧ (ФОРС-МАЖОР) ҲОЛАТЛАРИ

10.1. Агар ушбу шартнома бўйича мажбуриятлар қисман ёки тўлиқ бажарилмаслиги форс-мажор ҳолатлари (фавқулодда вазиятлар, фавқулодда ҳолат, юқори турувчи давлат органларининг қарори ва бошқа енгиб бўлмайдиган куч) натижасида келиб чиқса ва агар бу ҳолатлар мазкур шартноманинг бажарилишига бевосита таъсир этса, томонлар бундай қисман ёки тўлиқ бажармаслик учун жавобгарликдан озод этиладилар.

«Пудратчи»нинг мазкур шартномани бажариш учун бошқа шартлашуви шериклари томонидан мажбуриятларнинг бузилиши, мажбуриятни бажариш учун зарур товарларнинг бозорда йуклиги, «Пудратчи»да зарур пул маблағларининг бўлмаганлиги форс-мажор ҳолатларига кирмайди.

Мазкур шартнома бўйича мажбуриятларни бажариш муддати енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари амалқилган, шунингдек ушбу ҳолатлар юзага келтирган вақтга мутаносиб равишда узайтирилади.

10.2. Агар форс-мажор ҳолатлари ёки уларнинг оқибатлари бир ойдан кўп вақтга чўзилса, у ҳолда «Пудратчи» ва «Буюртмачи» ишларни давом эттириш ёки уларни консервасия қилиш учун қандай чоралар кўрилишини муҳокама қиладилар.

XI. ЖОРИЙ ТАЪМИРЛАШ ТУГАЛЛАНГАН ОБЪЕКТНИ ҚАБУЛ ҚИЛИБ ОЛИШ

11.1. Жорий таъмирлаш тугалланган объектни қабул қилиб олиш шартномани имзолаш санасида амалда бўлган белгиланган тартибга мувофиқ, мазкур шартномада назарда тутилган барча мажбуриятлар томонлар тарафидан бажарилгандан кейин, шунингдек жорий таъмирлаш тугалланган объектларни фойдаланишга қабул қилиб олиш шаҳарсозлик нормалари, қоидалари ва стандартларига асосан амалга оширилади.

Жорий таъмирланган объект ёки унинг участкалари (ишга тушириш мажмуалари) объектнинг тугалланганлиги ва у қабул қилиб олишга тайёрлиги тўғрисида «Пудратчи» ташкилотнинг хабарномасидан кейин ишчи комиссия томонидан фойдаланишга қабул қилинади.

«Пудратчи» ташкилот ишчи комиссияга қуйидаги ҳужжатларни тақдим этади:

- қурилиш-монтаж ишларини амалга оширишда иштирок этган ташкилотлар томонидан бажарилган ишларнинг турлари ва хажмлари ҳамда маъсул ижрочилари кўрсатилган ҳолдаги рўйхати;
- қабул қилишга тақдим этилган йулнинг техник лойиҳаси ва ишчи чизмалари тўплами, ижро схемалари;
- ёпилиб кетадиган ишларни қабул қилиб олиш далолатномалари;
- йул-қурилиш материаллари ва йул тўшамаларининг конструктив қатламларидан кесиклар (тупроқ жинслари) синовлари журналлари, мувофиқлик сертификатлари;
- ишларни бажариш ва муаллифлик назорати журналлари;
- ваколат доирасидан келиб чиққан ҳолда Ўзбекистон Республикаси Транспорт Вазирлиги ҳузуридаги Йул қурилиш ишлари сифатини назорат қилиш Давлат инспекциясини томонидан кўрсатилган камчиликларни бартараф қилинганлиги тўғрисидаги далолатномалари.

11.2. Объектларнинг фойдаланишга тайёрлиги тўғрисида «Пудратчи»нинг ёзма билдиришномаси асосида «Буюртмачи» томонидан белгиланган тартибда қабул қилиб олинади.

11.3. «Пудратчи» жорий таъмирлаш тугалланган объектни қабул қилиб олиш бошланишидан 5 кун олдин мазкур шартноманинг V бўлимига мувофиқ «Буюртмачи»га «Буюртмачи» томонидан белгиланган таркибда икки нусхада ижро ҳужжатларини беради. «Пудратчи» «Буюртмачи»га ушбу ҳужжатлар тўплами амалда бажарилган ишларга тўлиқ мос келишини ёзма равишда тасдиқлаши керак.

11.4. Қабул қилиб олинган пайтдан бошлаб объект давлат мулкига айланади ва ўрнатилган тартибда йуллардан фойдаланиш корхонаси балансига ўтади.

XII. КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ ШАРТ

12.1. Томонлар:

Томонлар, уларнинг кафилланган (ўзаробоғланган) шахслари ва ходимлари, ушбу шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажаришлари давомида коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатлари талабларининг бузулишига олиб келинадиган ва/ёки коррупция характериға эға бўлган, шу жумладан (аммо бу билан чекланмай) пора бериш ёки беришни ваъда қилиш, таъмағирлик, пора олишға бевосита ёки билвосита рози бўлиш хатти ҳаракатлари/ҳаракатсизликларини содир этмайдилар.

Томонлар, уларнинг кафилланган (ўзаробоғланган) шахслари ва ходимлари бошқа томоннинг ходимлари ёки ваколатланган вакилларини қандайдир тарзда рағбатлантиришдан, шу жумладан пул суммалари, совғаларни тақдим этиш, уларнинг манзилиға хизматларини бегараз кўрсатиш ёки бу ходим ёки ваколатланган вакил томонидан уни рағбатлантирувчи томон фойдасиға қандайдир хатти ҳаракатларни/ ҳаракатсизликлар бажарилишини таъминлашға қаратилган ишларни бажаришдан воз кечадилар деб маълум қиладилар.

12.2. Томонлар ушбу илованинг 5.1 бандидаги талабларни бузиш содир этилганлиги ёки содир этилиши мумкинлиги тўғрисидаги шубҳалар юзаға келган ҳолда, тегишли томон бу ҳақда иккинчи томонни хабардор қилиш, коррупция билан курашиш соҳасидаги Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларининг нормалари бузилганлиги фактининг рад этиб бўлмайдиган далиллари мавжуд бўлган ҳолда эса амалдаги қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ваколатланган органларни ҳам хабардор қилиш мажбуриятини ўз зиммасиға олади.

ХIII. КАФОЛАТЛАР

13.1. «Пудратчи»:

барча ишлар тўлиқ ҳажмда ва мазкур шартнома шартларида белгиланган муддатларда бажарилишини;

лойиҳа-смета ҳужжатларига, шаҳарсозлик нормалари ва қоидалари ҳамда техник шартларға мувофиқ барча ишларни сифатли бажаришни;

ўзи томонидан қурилиш учун қўлланиладиган қурилиш материаллари, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, конструкция ва тизимлар сифатини, уларнинг лойиҳа ҳужжатларида кўрсатилган сертификацияларға, давлат стандартларига ҳамда техник шартларига мувофиқлигини;

шартномада белгиланган кафолат муддати мобайнида объектдан фойдаланиш жараёнида нуқсонлар ва чала қилинган ишлар аниқланганда, ўз ҳисобидан бартараф этишни;

объектдан фойдаланилганда муҳандислик тизимлари ва ускуналарнинг фойдаланиш қоидаларига мувофиқлигини кафолатлайди.

13.2. Объект ва унга қирадиган муҳандислик тизимлари, асбоб-ускуналар, материаллардан фойдаланиш ва ишларнинг кафолатли муддати томонлар жорий таъмирлаш тугалланган объектни қабул қилиб олиш тўғрисидаги далолатномани имзолаган кундан бошлаб 12 ой этиб белгиланади.

13.3. Агар объектдан фойдаланишнинг кафолатли муддатида аниқланиб, улар бартараф этилгунға қадар фойдаланишни давом эттириш имконини бермайдиган нуқсонлар аниқланса, у ҳолда кафолат муддати нуқсонларни бартараф этиш давриға узайтирилади. Нуқсонлар «Пудратчи» томонидан унинг ўз ҳисобидан бартараф этилади.

Мавжуд нуқсонлар ва уларни бартараф этиш муддатлари «Пудратчи» ва «Буюртмачи»нинг икки томонлама далолатномасида қайд этилади.

Агар «Пудратчи» бажарилган ишлардаги нуқсонлар ва чала ишларни, жумладан ускуналарнинг камчиликларини далолатномада кўрсатилган муддат ичида бартараф этмаса, Ўзбекистон Республикаси томонидан қабул қилинган қонун ва меъёрий ҳужжатларға асосан жавобгарликка тортиш тўғрисида урнатилган тартибда қонунни муҳофаза қилувчи муассасаларға мурожаат қилиш ҳуқуқиға эға.

13.4. «Пудратчи» нуқсонлар ва чала ишлар кўрсатилган далолатномани тузишдан ёки имзолашдан бош тортган тақдирда, уларни текшириб чиқиш ваколат доирасидан келиб чиққан ҳолда Ўзбекистон Республикаси Транспорт Вазирлиги ҳузуридаги Йул қурилиш ишлари

сифатини назорат қилиш Давлат инспексияси томонидан амалга оширилади, бу томонларнинг ушбу масала бўйича Хўжалик Судига мурожаат қилишини истисно этмайди.

XIV. ШАРТНОМАНИ БЕКОР ҚИЛИШ

14.1. Мазкур шартнома «Буюртмачи» ва «Пудратчи»нинг ўзаро келишуви асосида бекор қилиниши мумкин, агарда келишув бўлмаса Тошкент Туманлараро Иқтисодий Судида кўриб чиқилади.

XV. ТОМОНЛАРНИНГ МУЛКИЙ ЖАВОБГАРЛИГИ

15.1. Томонлардан бири шартнома мажбуриятларини бажармаган ёки зарур даражада бажармаган тақдирда айбдор томон иккинчи томонга етказилган зарарларни қоплайди;

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексида, «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни ва бошқа қонун ҳужжатларида, ҳамда мазкур шартномада назарда тутилган тартибда жавобгарликка тортилади;

ётиқ чизиклар қизиш ишларини олиб бораётган «Пудратчи» ташкилот қонунчиликка ва ушбу шартномага мувофиқ «Буюртмачи» олдида қуйидаги ишлар бўйича мулкый жавобгардир:

сифатсиз бажарилган қурилиш-монтаж ишлари;

объектни ҳамда унинг босқичлари ва навбатларини белгиланган муддатда тугалланмаганлиги;

«Буюртмачи» билан тузилган шартнома асосида қурилиш-монтаж ва бошқа ихтисослаштирилган ташкилотлар томонидан усқуналарни монтаж қилиш муддатларининг бузилиши;

объектнинг лойиҳа-смета ҳужжатларида белгиланган ерларни рекултивация қилиш ишларини бажариш ҳажмлари ва муддатларининг бузилиши;

ётиқ чизиклар қизиш жараёнида ёки оралиқ қабул қилишда «Пудратчи» муаллифлик назорати ва бошқа назорат органлари томонидан аниқланган конструкция ва ишлардаги йул қўйилган камчиликлар ва нуқсонларни бартараф этишни орқага суриш;

шартномада кўзда тутилган бошқа мажбуриятларни бажармагани ёки тўла-қонли бажармагани;

«Пудратчи» ташкилот томонидан ишларнинг бажарилишида пудрат шартномасидан чекиниш ёки бошқа камчиликлар мавжудлигида «Буюртмачи», «Пудратчи»дан ўз ихтиёрига кўра қуйидагиларни талаб қилиш ҳуқуқига эга:

Агар «Пудратчи» ташкилот нуқсонларни келишилган муддатларда бартараф этмаса, «Буюртмачи» ёки йулдан фойдаланувчи ташкилот ўз кучи билан «Пудратчи» ҳисобидан нуқсонларни бартараф этиш ҳамда нуқсонларни ўз вақтида бартараф этилмаганлигидан келтирилган зарарни ва бажарилган иш қийматини ундириш ҳуқуқига эга.

15.2. Мазкур шартномага тегишли иловаларда кўрсатилган ўз мажбуриятларига риоя қилмаганлиги, ўз вақтида молиялаштирмаганлиги ва шартномада белгиланган бошқа мажбуриятларни бузганлиги учун «Буюртмачи» «Пудратчи»га кечиктирилган ҳар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган қисмининг 0,1% (фоизи) миқдорида пеня тўлайди, бунда пенянинг умумий суммаси бажарилмаган ишлар ёки кўрсатилмаган хизматлар қийматининг 20% (фоизи)дан ошмаслиги лозим.

Пеня тўланиши «Буюртмачи»ни шартнома шартлари бузилиши туфайли етказилган зарарни қоплашдан озод қилмайди.

15.3. «Пудратчи» томонидан объектни ўз вақтида ишга тушириш бўйича мажбуриятлар бузилган бўлса, «Пудратчи» «Буюртмачи»га муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган қисмининг 0,1% (фоизи) миқдорида пеня тўлайди, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси бажарилмаган ишлар ёки кўрсатилмаган хизматлар қийматининг 20% (фоизи)дан ошмаслиги лозим.

Пеня тўлаш «Пудратчи»ни ишларни бажаришнинг ёки хизматлар кўрсатишнинг кечикиши

туфайли етказилган зарарларни қоплашдан озод қилмайди.

15.4. Агар бажарилган ишлар сифати белгиланган стандартларга, шаҳарсозлик нормалари ва қондалари, иш ҳужжатларига мувофиқ бўлмаса, у ҳолда «Буюртмачи» ваколат доирасидан келиб чиққан ҳолда Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлиги ҳузуридаги Ё'л қурилиш ишлари сифатини назорат қилиш Давлат инспекциясини хулосаси асосида объектни қабул қилиш ва унинг учун ҳақ тўлашдан бош тортиши, шунингдек «Пудратчи»дан сифати зарур даражада бўлмаган ишлар қийматидан келиб чиққан ҳолда Ўзбекистон Республикаси қонунларда белгиланган миқдорида жарима ундириш ҳуқуқига эга. «Буюртмачи» томонидан топилган нуксонлар ва камчиликлар ўз вақтида бартараф этилмагани учун «Пудратчи» «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 26-моддасига асосан сифатсиз бажарилган ишлар қийматининг 20% (фоизи) миқдорида жарима тўлайди.

15.5. Шартнома бўйича мажбуриятлар бажарилмаганлиги, ёки лозим даражада бажарилмаганлиги мазкур бандда назарда тутилган жазолардан ташқари шартномани бузган томон иккинчи томонга бошқа томон тарафидан қилинган ҳаражатларда, мол-мулкнинг йукотилиши ёки шикастланишида, шу жумладан бой берилган фойдада ифодаланадиган пеня билан қопланмаган зарарларни қоплайди.

«Буюртмачи» «Пудратчи»нинг бажарилган ишлари ҳажмидан ёки молиявий ҳисоб-китобларлардан аниқланган камчиликлар натижасида «Буюртмачи»га қайтариладиган маблағлар ва бошқа тўловлар бўйича мажбуриятларини ўз вақтида бажармаса, «Буюртмачи» ушбу маблағларни молиялаштириш учун ажратилган маблағлар ҳисобидан чегириб қолиш ҳуқуқига эга.

15.6. Муддат ўтказиб юборилганлиги ёки мажбуриятларнинг бошқача тарзда зарур даражада бажарилмаганлиги учун пеня тўлаш томонларни ушбу мажбуриятларни бажаришдан озод қилмайди.

XVI. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ

16.1. Ушбу пудрат шартномаси амал қилиш давомида юзага келадиган низолар томонлар тарафидан ўзаро музокара йули билан ҳал этилади.

Низолар музокара натижасида келишувга эришилмаган тақдирда даъво қилувчи томон юзага келган низо юзасидан Тошкент туманлараро иқтисодий судига ўрнатилган тартибда даъво аризаси билан мурожаат қилади.

XVII. АЛОҲИДА ШАРТЛАР

17.1. Мазкур шартнома имзолангандан кейин, мазкур шартномага тегишли бўлган томонлар ўртасидаги барча олдинги ёзма ва оғзаки битимлар, ёзишмалар, томонларнинг ўзаро келишувлари ўз кучини йукотади.

17.2. «Пудратчи» қурилиш объектига ёки унинг алоҳида қисмларига тегишли иш ҳужжатларини «Буюртмачи»нинг ёзма руҳсатисиз, ёрдамчи «Пудратчи»лардан ташқари, бирон-бир учинчи томонга сотиш ёки бериш ҳуқуқига эга бўлмайди.

17.3. Мазкур шартномага барча ўзгартириш ва қўшимчалар, агар улар ёзма шаклда расмийлаштирилган ва томонлар уларни имзолашган бўлса, ҳақиқий ҳисобланади.

17.4. «Буюртмачи» билан «Пудратчи» ўртасидаги мазкур шартномадан келиб чиқмайдиган янги мажбуриятлар пайдо бўлишига олиб келадиган ҳар қандай аҳдлашувни томонлар мазкур шартномага қўшимчалар, ўзгартиришлар шаклида ёзма равишда тасдиқлаши керак.

17.5. Агар «Пудратчи» шартнома бўйича ишлар яқунлангандан кейин қурилиш майдонида ўзига тегишли мол-мулкни қолдирса, у ҳолда «Буюртмачи» «Пудратчи» қурилиш майдонини озод қилиш санасигача бажарилган ишлар учун унга ҳақ тўлашни кечиктиришга ҳақлидир.

17.6. Мазкур шартнома бир хил юридик кучга эга бўлган 2 нусхада тузилди.

17.7. Мазкур шартнома томонлар тарафидан имзоланиб, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Ғазначилигида рўйхатга олинган кундан бошлаб кучга киради ҳамда томонлар ўз

мажбуриятини тўлик бажаргунига қадар амал қилади.

17.8. Шартнома кучга кирган кундан бошлаб томонлар ўз вазифаларини бажаришга киришади, шунингдек мазкур шартнома бўйича ҳуқуқ ва мажбуриятлари вужудга келади.

17.9. Мазкур шартномада назарда тутилмаган бошқа барча ҳолатлар учун амалдаги қонун ҳужжатлари нормалари қўлланилади.

17.10. Мазкур шартномага қуйидагилар илова қилинади;

1-илова – Бажариш жадвали.

2-илова – Молиялаштириш жадвали.

ХVIII ТОМОНЛАРНИНГ БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ ВА ЮРИДИК МАНЗИЛЛАРИ

«БУЮРТМАЧИ»

«ТОШКЕНТ ШАХРИ МИНТАҚАВИЙ ЙУЛЛАРГА БУЮРТМАЧИ ХИЗМАТИ» ДУК

Манзил: 100000, Тошкент шаҳри,
Мустақиллик шоҳ кўчаси, 68 уй
Ш/х: 304521860262697045129118624
СТИР: 304 893 532 ОКЕД71120
Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги
Ҳазначилигининг Амалиёт бошқармаси
х/г 23 402 000 300 100 001 010
МФО: 00014 СТИР: 304 893 532
МБ Тошкент шаҳар бўйича ББХКМ



Директор

О. Абдуназаров

«ПУДРАТЧИ»

«MAXIMA-ROAD» МАСЪУЛИЯТИ ЧЕКЛАНГАН ЖАМИЯТИ

Манзил: Тошкент шаҳри, Янги ҳаёт
тумани, Жанубий саноат ҳудуди 94 уй.
Ш/х: 202 8000 6010 0700 1001;
АКИБ «ДАВР БАНК» Мирзо Улуғбек ф-л
МФО: 01072
ИНН: 306 110 634
ОКЭД: 42 110
Тел: (99) 872-55-07



Директор

Б.Абидов

Юридик ҳужжат

Handwritten signatures and initials at the bottom of the page.

2022 йил 07 / 12 даги 432/15/12 -сонли шартномага
1-илова

Объект: Яшнобод тумани А.Ясавий МФЙ Кўприкки кўчаси жорий таъмирлаш

БАЖАРИШ ЖАДВАЛИ

№	Амалга оширилган ишлар	Йил	2022 йил												Умумий қиймати
			I-чорак			II-чорак			III-чорак			IV-чорак			
			январ	феврал	март	апрел	май	июн	июл	август	сентябр	октябр	ноябр	декабр	
1	Кўригиш-монтаж ишлари	2022												175 329,744	175 329,744
	Жами													175 329,744	



Директор

О.Абдуназаров



"ПУДРАТ'ЧИ"

Директор

Б.Абидов

2022 йил 02.12 даги 43218-Р/12 -сонли шартномага 2-илова

